МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

O'ZBEKISTON XAYRIYA JAMOAT FONDI MAHALLA

ЧОРШАНБА

2014 йил 6 август, №65 (1032)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

## Маҳаллалар янада обод ва фаровон бўлади

**Касби Қашқадарё вилоятининг қишлоқ хўжалиги ривожланган туманларидан. Туманда 173 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ўнта қишлоқ ва 30 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда 1 та шаҳарча мавжуд.**

**Рустам ТЎРАЕВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Касби тумани бўлинмаси раиси.**

Фойдаланиладиган ерларнинг асосий қисмини суғориладиган майдонлар ташкил этади. Шу боис ҳудудда аҳоли, асосан, деҳқончилик билан шуғулланади.

Яна бир жиҳати, тумандаги уста-ҳунармандлар томонидан тайёрланган тандир, кўза, хумдон сингари ҳунармандчилик маҳсулотлари жуда машҳур. Ота-боболар ҳунари ҳозир ҳам давом эттириб келиняпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 июль куни «Қашқадарё вилояти Касби туманини 2014-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастури қабул қилингани туманимиз аҳолисини беҳад қувонтирди. Дастур бўйича ижтимоий-иқтисодий, жумладан, қурилиш, ишлаб чиқариш, сервис ва қишлоқ хўжалик соҳалари янада ривожлантирилади, кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилади, йўл ва кўприклар қурилади. Хуллас, қишлоқ ва маҳаллалар обод бўлади, аҳоли фаровонлиги янада ортади.

> [3]

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН



## Ташаббус ҳамжиҳатликка чорлайди

**Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилингани маҳалланинг жамиятдаги нуфузини юксалтириб, халқимиз ҳаётидаги хизмат кўламини кенгайтирмоқда.**

**Холбиби САФАРОВА «Mahalla»**

Мамлакатимизда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 18-моддасига биноан, фуқаролар йиғинларида фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ташкил этилгани, айниқса, жамоатчилик асосидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия фаолиятининг йўлга қўйилгани маҳаллани кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш марказига айлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

> [3]

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

## Таътилда мароқли дам, ёшларга бўлди ҳамдам

**Маҳалланинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришига доир вазифалари ҳуқуқий асосга эга.**



**Расул КАМОЛ «Mahalla»**

Бу борада Риштон туманидаги «Оқ томир» маҳалла фуқаролар йиғинида тўпланган тажриба оммалаштиришга арзигулик.

Маҳаллада умргузаронлик қилаётган Шерзод Мамадалиев ҳамда Гулчеҳра Мадишева сингари 7 та кам таъминланган оиланинг фарзандлари фуқаролар йиғини қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзолари ёрдами билан 51-умумтаълим мактабида ташкил этилган ёзги оромгоҳларда мароқли ҳордиқ чиқаришмоқда.

> [4]

АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ДАВР

## Баракали хирмон вақтида ўтказилган тадбирга боғлиқ

**Наманган тумани ерлари қоратупроқли ва шу боис экин майдонлари анча серунум. Айниқса, кейинги йилларда ғалла ва пахтадан юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Бу миришкор деҳқонларнинг фидойи меҳнатлари самараси, албатта. Фермерларга берилаётган эътибор, яратилган шароит ҳам ўзини оқлаётир.**



**Илҳомжон РАҲМАТОВ «Mahalla»**

«Ўзбекистон» машина-трактор парки ҳудудидаги «Олтин замин ифтихори» фермер хўжалиги ҳар йили давлатга пахта ва ғалла сотиш бўйича шартномавий режани ортиғи билан уддалаб келмоқда. Натижада олинаётган даромад салмоғи кўпайиб, хўжалик моддий-техник базаси мустаҳкамланиши баробарида ишчиларнинг манфаатдорлиги ҳам ортмоқда. Хўжалик раҳбари Сайдулло Абубакиров нафақат туман, балки Наманган вилоятидаги тажрибали фермерлардан саналади.

— Қарийб қирқ йилдан бери пахта етиштириш билан шуғулланаман, — дейди С.Абубакиров. — Ғўзанинг турли навларини синаб кўрганман. Ғалвир сувдан кўтарилганда деҳқон кутган натижага эришса, йил бўйи қилинган машаққатли меҳнатлари арийди. Бунинг учун ерни вақтида экишга тайёрлаб, уруғни бехато кўкартириш, ниҳолни озиқлантираётганда сув ва ўғитга қўшиб, қалб ҳароратини ҳам бериш лозим. Шундагина ҳосил тарози босиб, салмоғи ортади. 2005 йили фермер хўжалиги ташкил этганимиздан бери, бирор йил йўқки, режа бажарилмаган бўлса.

> [3]



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

## Кўмак ишбилармонликка рағбат бермоқда

**«Ордай» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қўзибой Назаров ҳузурига фермер хўжалигида сувчи бўлиб ишлаётган Алишер Машрабов кириб келди. Раис унинг қўлидан аризани олиб, синчковлик билан ўқиб чиқди. Шундан сўнг қаршисида турган фуқарога савол назари билан қаради.**

**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»**

— Мабодо, ариза ёзиб хато қилмадингизми?

— Йўқ, ёзганларим тўғри. Уч ой моддий ёрдам олдим. Бу ёғига ўзимни эплаб кетаман. Сизнинг кўмагингиз билан томорқа хўжалигини тикладим. Яқинда эллик бош парранда олдим... Энди яна ёрдам пули олишга эҳтиёжим йўқ. Имкони бўлса, бу кўмакни муҳтожларга берсангиз.

Раис оддий деҳқон фарзандининг ҳамиятига, ғурурига тан берди. Тўғри, бундан ярим йил аввал у моддий ёрдамга муҳтож эди. Ана шу имкониятдан тўғри фойдаланди. Олган пулини томорқа хўжалигини ривожлантиришга сарфлади. Бугун унинг рўзғори бут.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кам даромадли оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжмандларга нафақа ва моддий ёрдам кўрсатиш масалалари белгиланган.

> [2]

БАНДЛИК

## Ёшлар бизнес ғояси банклар эътиборида

**Ўтган йили Қарши иқтисодиёт коллежини битирган Исломбек Абдуназаров юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан унумли фойдаланиб, ўз бизнес лойиҳасини амалга оширишга киришди. Бунда «Ипотека» банкнинг туман бўлими унга кўмак берди.**

**Зебинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»**

Ёш тадбиркор банкнинг имтиёзли 50 млн. сўм кредит маблағи ҳисобига «Косон ҳамкор сервис» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, ўн нафардан зиёд тенгдошини иш билан таъминлади. Айни пайтда корхона ойига 350-400 минг дона сифатли пишиқ ғишт ишлаб чиқариб, 3-3,5 млн. сўм соф даромад олаётир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ёшларнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Республика Марказий банки ташаббуси билан ўтказилган «Таълим муассасалари битирувчиларининг бизнес ғояси банклар эътиборида» мавзусидаги анжуман айни шу масалага бағишланди.

> [3]

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

## Интернет кафелардан ким, қандай фойдаланмоқда?

**Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «оммавий маданият» бу — ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдиддир», деб алоҳида таъкидланади.**

**Умар АСРОРОВ, ЎзА мухбири.**

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини пухта ўзлаштириши учун зарур шароитлар яратиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Айни пайтда аҳолининг замонавий компьютер технологияларидан самарали фойдаланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотларига кўра, 2014 йилнинг ўтган даврида таълим муассасаларида ёшларни миллий маънавиятимизга ёт ғоялар, хусусан, «оммавий маданият» таъсиридан асраш, ахборотдан фойдаланиш маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш орқали турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликларнинг олдини олишга қаратилган 32 мингга яқин давра суҳбати, семинар ва илмий-амалий конференциялар ўтказилган.

Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги глобаллашув даврида ёшлар онги ва қалбига Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантириш ғоят долзарб аҳамият касб этмоқда. Таълим муассасаларида замонавий компьютер технологиялари чуқур ўргатилиб, уларнинг ZiyoNet тармоғи ва бошқа миллий сайтлардан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Интернет кафелар ходимларига турли беҳаё сайтлар ва зўравонликни тарғиб қилувчи ўйинларнинг ёшлар онгу тафаккурига салбий таъсирини тушунтириш юзасидан тегишли тавсиялар берилмоқда. Зеро, глобал тармоққа уланган бундай кафелар тезкор почта, ҳар хил маълумотлар базаси, дунёдаги турли воқеа-ҳодисалар ёритиладиган информация манбаи, шу билан бирга, зўравонлик, беҳаёлик каби иллатларни тарғиб қиладиган, ёш авлод онгу шуурига мафкуравий тазйиқ ўтказадиган ўзига хос «ўчоқ»қа айланиб бораётгани сир эмас.

— Интернет кафелар бир томондан ижобий ҳолат бўлса, иккинчи томондан ёшлар онгига салбий таъсир ўтказиши, уларнинг маънавий-ахлоқий тубанлашувига, зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин, — дейди Навоий шаҳар «Ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирсаид Мавлонов. — Бундай иллатларнинг олдини олишда оила — — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ҳар хил компьютер ўйинлари, ғоявий бузуқ сайтлар ёшларнинг мурғак тафаккурини чалғитиб қўйишини атрофлича тушунтириб бориш яхши самара беради.

Ёшларнинг интернет кафелардан тўғри ва самарали фойдаланишини таъминлаш, уларнинг беҳаё сайтлар ёки турли ўйинлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш ота-оналар ва ўқитувчилар зиммасига, айниқса, улкан масъулият юкламоқда. Бинобарин, мамлакатимизда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртлари замонавий компьютерлар билан жиҳозланиб, миллий сайтларга уланмоқда. Ахборот-ресурс марказлари электрон дарсликлар билан бойитилаётир.

— Компьютер технологияларидан тўғри мақсадда фойдаланиш дарсларни яхши ўзлаштиришга кўмаклашади, — дейди Паркент агросаноат ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Фотима Собирова. — Чунки зарур маълумотларни интернетдан излаб топиш жуда осон. Мен ҳам шаҳримиздаги интернет кафеларда ZiyoNet тармоғи хизматидан тез-тез фойдаланиб тураман. Афсуски, шундай имконият бўла туриб, айрим тенгдошларимнинг турли ўйинлар билан вақтини беҳуда ўтказаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, махсус лицензия асосида фаолият юритаётган интернет кафелар хизматидан кўпроқ ёшлар фойдаланмоқда. Албатта, уларнинг кўпчилиги узоқ-яқиндаги дўстлари билан хат ёзишади. Он-лайн усулида суҳбат қилади. Тизимдаги ахборот ресурсларидан фойдаланиб, ўқув машғулотларига тайёргарлик кўради. Шундай экан, ахборот макони тез ва оммавий ривожланаётган бугунги кунда ёш авлодни компьютер технологияларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш, уларда аниқ мақсад сари интилиш кўникмасини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

# Таътилда мароқли дам, ёшларга бўлди ҳамдам



< [1]

Ёзги оромгоҳлар фаолиятини намунали ташкил этишда маҳалла фаоллари ҳамда нуронийлар кўмаги асқотмоқда. Айниқса, мавсумга тайёргарлик кўриш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда маҳалла фаоллари янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун билан кафолатланган ваколатларидан фойдаланиб, жамоатчилик назоратини самарали юритишаётир.

Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзоларининг оромгоҳларда яратилган шароит, тиббий хизмат, озиқ-овқат сифати, тозалик ва ободончилик, кутубхона, тўгараклар фаолияти бўйича ўрнатган назорати болаларнинг ёз мавсумини мароқли ўтказишини таъминламоқда.

— Фуқаролар йиғинида жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда қўл келмоқда, — дейди йиғин раиси Адҳамжон Орипов. — Аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда оромгоҳларнинг ўрни беқиёс. Маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан сўнгги йилларда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик сингари салбий ҳолатларга бутунлай барҳам берилди.

Тўрт минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган маҳалла аҳлининг 1300 нафарини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг 352 нафари умумтаълим мактаблари ўқувчилари. Жорий йилги мавсумда 200 нафарга яқин боланинг оромгоҳларда ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган.

Ёзги оромгоҳларга булоқлардан 1 километр масофага сув қувури тортилди. Маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан 600 метр йўл асфальтланди, 5 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси бунёд этилиб, маҳалланинг ўн нафар ёши учун янги иш ўрни яратилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмасидан олинган маълумотларга кўра, жорий ёз мавсумида туман ҳудудида 6 та кундузги, 1 та стационар болалар оромгоҳларига маҳалланинг 1200 нафардан зиёд фарзанди жалб этилди. Мавсумда кам таъминланган оила болаларини соғломлаштириш учун бўлинма томонидан 800 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Хуллас, бу каби эзгу ишлар маҳаллалар қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзоларининг кундалик юмушига айланган.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

# Соғлиқни асраш — муҳим ва ғоят масъулиятли

**Ёз фаслида юқумли касалликлар, хусусан, ошқозон-ичак хасталиклари кўп кузатилади. Шу боис аҳоли ўртасида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишга қаратилган тарғибот ишларининг кучайтирилиши мақсадга мувофиқ. Бу борада «Истиқбол» қишлоқ врачлик пунктимизда эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.**



**Дилором ОҚБЎТАЕВА, Ғаллаорол туманидаги «Истиқбол» қишлоқ врачлик пунти мудираси.**

Муассасамиз 6 та қишлоқдаги 9 минг 400 нафардан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келаётир. Ходимларимиз фуқароларнинг саломатлигини назорат қилиш билан бирга, соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, тоза ичимлик сувидан фойдаланишга қаратилган тадбирлар ўтказади. Жорий йилда икки нафар шифокор ва ўн икки нафар ҳамшира ҳудуддаги 1 минг 300 та хонадонда юқумли касалликларнинг олдини олиш мавзусида суҳбатлар ташкил этди.

Юқумли касалликлар кўпинча болаларда кузатилади. Ҳудудимиздаги 4 та умумтаълим мактаби ва битта мактабгача таълим муассасасида ўтказилаётган профилактика тадбирларда болаларга ичимлик сувини қайнатиб ичиш, мева, сабзавот, гўшт маҳсулотлари истеъмолида санитария талабларига риоя қилиш зарурлиги батафсил тушунтирилаётир.

Профилактика тадбирларини амалга оширишда қишлоқ фуқаролар йиғини билан ҳамкорлик ўрнатилган. Фуқаролар йиғинлари фаоллари, йиғин қошидаги Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар аъзолари санитария, тозалик, соғлом турмуш тарзи хусусида тарғибот олиб боришади. Хусусан, ёз ойида йиғин билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида «Юқумли хасталикларнинг олдини олиш», «Оилада тўғри овқатланиш», «Маҳаллада ободликни йўлга қўйиш», «Соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови» мавзуларида маърифий тадбирлар ўтказдик.

Тиббиёт бирлашмаси, туман санитария-эпидемиология назорати марказининг ҳудудимизга бириктирилган вакиллари қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари кўмагида юқумли диарея, ошқозон-ичак касалликлари келиб чиқиш хавфи бўлган иншоотлар: бозорча, савдо дўконлари, умумий овқатланиш тармоқлари, таълим муассасаларини назорат қилиб бораётир. Тиббий-санитария талабларига жавоб бермайдиган жойларда савдо фаолиятини тўхтатиш, уларнинг эгаларини маъмурий жавобгарликка тортиш каби қатъий чоралар кўриляпти.

Биз шифокорларга элимизнинг саломатлигини муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифа юкланган. Бу ишни амалга оширишимиз учун давлатимиз томонидан барча имконият ва қулайликлар яратилган. Янги замонавий бинода жойлашган қишлоқ врачлик пунктимизда физотерапия, акушерлик, муолажа хоналари зарур жиҳозлар, тиббий ускуналар, лаборатория ва ташхис воситалари билан тўлиқ таъминланган. Ушбу қулайликлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини таъминлаш доимий диққат-эътиборимизда.

«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ»

# Навбат кейинги босқичга

**Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» мусобақасининг туман босқичи ташкил этилди.**

**Мавлуда МЕЛИҚУЛОВА
«Mahalla»**

Унда маҳаллаларда оилавий спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келаётган 7 та ёш оила иштирок этди.

Мусобақа шартларига кўра, фахрли биринчи ўринга «Навбаҳор» маҳалласида истиқомат қилувчи Зокировлар оиласи, иккинчи ўринга «2-Қатортол» маҳалласидан Акрамовлар оиласи ва учинчи ўринга «Катта Хирмонтепа» маҳалласидан Жўраевлар хонадони муносиб топилди.

— Маҳаллалар ўртасида ташкил этилаётган спорт мусобақалари ота-оналар ва фарзандлар саломатлигини янада мустаҳкамлайди, — дейди мусобақа ғолиби А.Зокиров. — Бу каби беллашувлар оилада соғлом муҳитни қарор топтириб, келажак авлодни маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишишида муҳим аҳамиятга эга.

Ғолиблар мусобақанинг кейинги босқичига тайёргарликни бошлаб юборишди.

*Эълон*

## ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ

***Фонд тизимида Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида***

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

— Фонднинг барча ҳудудий бўлим ва бўлинмаларини ягона тармоққа бирлаштирувчи ҳимояланган корпоратив (VPN) тармоқ яратиш;

— Фонднинг республика бошқаруви, барча ҳудудий бўлим ва бўлинмалараро ички электрон ҳужжат алмашинувини ташкиллаштириш;

— Фонднинг барча ҳудудий бўлим ва бўлинмаларини қамраб олувчи корпоратив портал яратиш;

— Фонднинг.uz доменида корпоратив электрон почта.

Танлов шартлари бўйича қўшимча маълумот юзасидан Фонднинг бошқарув аппарати Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш гуруҳига мурожаат қилишингиз ёки телефон орқали билиб олишингиз мумкин:

**МАНЗИЛ:** ***Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 59-уй, 4-қават. Телефон: (8 371) 236-34-03
E-mail: akt.fond@umail.uz***




## Дунё бўйлаб

# Ер силкинди

**Хитойдаги кучли зилзила оқибатида 400 дан зиёд киши ҳалок бўлди, икки мингга яқин киши жароҳат олди.**



Магнитудаси 6,1 баллга тенг ер силкиниши Юньнань вилоятида рўй берган. Зилзила ушбу ҳудудга яқин жойлашган Гуйчжоу ва Сичуань вилоятларида ҳам сезилган. Табиий офат оқибатида 12 мингта бино қулаган, 30 мингтаси эса шикастланган. Электр таъминоти ва алоқа линияларида узилишлар юз берган.

Ҳудудга 2500 нафар ҳарбий ҳамда қўшимча полиция ва ўт ўчирувчи гуруҳлар юборилди.

# Ҳарбий кўмак олади

**АҚШ Конгресси Исроилнинг «Пўлат гумбаз» мажмуасини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлашни маъқуллади.**



Исроилга 225 миллион доллар ҳарбий кўмак ажратилади. Бунга дастлаб Сенат овоз берган, кейин эса уни АҚШ Конгресси вакиллар палатаси маъқуллаган. Ҳужжатни мамлакат президенти имзолаши кутилмоқда.

Шундай қилиб, «Пўлат гумбаз» дастурини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган молиявий кўмак миқдори 1 миллиард доллардан ошди.

Эслатиб ўтамиз, Ғазо ҳудудида Исроил томонидан салкам бир ойдан буён олиб борилаётган ҳарбий амалиётлар давомида икки минг нафарга яқин фаластинлик қурбон бўлди. Уларнинг аксарияти тинч аҳоли вакилларидан иборат.

**Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви жамоаси Фонднинг Каттақўрғон шаҳар бўлинмаси раиси **Азимжон ЮСУПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Нашр кўрсаткичи: 148 20370 нусхада чоп этилди. Буюртма S-562 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ






# Энг улуғ, энг азиз байрамга ҳозирлик қизғин

**Она-Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлининг шонли 23 йиллигини энг улуғ ва энг азиз байрам сифатида нишонлаш арафасида. Бунёдкорлик суръати ва қудрати билан ўтган йиллар мамлакатимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган олтин давр бўлди.**

**Эркин ЖЎРАЕВ, Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Истиқлол юртдошларимизга улкан имкониятлар эшигини очди, халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашдек юксак мақсадлар йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Мана, йигирма уч йилдирки, халқимиз буюк тараққиёт йўлидан оғишмай илдамлаб бормоқда. Меҳнаткаш ва меҳмондўст, саховатли, бағрикенг, маънавияти юксак ва олижаноб юртдошларимиз ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган. Бу мақсад йўлида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ислоҳотлар моҳиятидан келиб чиқиб бизнинг «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам мустақиллик шодиёнаси арафасида улкан ободонлаштириш ишлари олиб борилялти. Хусусан, ҳududдаги кўча ва хиёбонлар, ариқ ва зовурлар тозаланиб, дарахтларга шакл берилмоқда, гул кўчатлари ўтқазиляпти. Тураржой ва йўл бўйлари тартибга келтирилиб, деворлар оқланди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида йиғинимиз ҳудудидаги Амур Темур кўчасида жойлашган 21-, 24- ва Эркин Миралиев кўчасидаги кўп қаватли уйлар атрофида болалар майдончалари қурилиб, фойдаланишга топширилгани фарзандларимизга байрам туҳфаси бўлди. Бугун болажонлар ушбу ўйингоҳларда бўш вақтларини мароқли ўтказишмоқда.

Ҳудудимизда олиб борилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан бир қаторда аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоялаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашишдек йиғин зиммасидаги масъулиятли вазифаларнинг ўз вақтида ижроси таъминланаётгани туфайли қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Яқинда ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг туман босқичида маҳалламиз фахрли биринчи ўринга муносиб топилгани фикримга далилдир.

Яқинда маҳалламизга юртимизнинг таниқли жамоат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар ташриф буюришиб, ҳудудимизда амалга оширилган ободонлаштириш ишларини юқори баҳолашди.

Маҳалламизда эзгу ишлар кенг қулоч ёзмоқда. Бир-бирига ёндош Амир Темур номидаги, «Ўрикзор» ҳамда йиғинимиз фаоллари ҳамкорликда ҳудудлардаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, якка-ёлғиз қарияларга байрам дастурхони ёзишни режалаштирдик.

Хуллас, жамият тараққиёти йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг пойдеворини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Хайрли ишларда маҳалламиз фаоллари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганидан мамнунмиз.

«МАҲАЛЛА КУНИ»

# Маънавий муҳит барқарорлиги ҳамкорликда таъминланади

**Авваллари «кўп қаватли уйларда яшаб, қўшнинг кимлигини билмайсан» деган мазмундаги аччиқ-тизиқ гаплар қулоққа чалинарди. Энди бунинг тамоман акси: кўп қаватли уйлардан таркиб топган маҳаллаларда турли миллатга мансуб аҳоли истиқомат қилса-да, уларнинг туриш-турмуши, ўзаро муомала-муносабатини бир оила ҳаётига қиёслаш мумкин.**



**Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»**

Юртбошимиз раҳнамолигида маҳалла тизимига қаратилган юксак эътибор, тарихан таркиб топган миллий-маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, янада мустаҳкамлаш чоралари давлатимиз кўмагида қўллаб-қувватлаб келинаётгани эришилган ютуқларнинг бош омилидир. Қолаверса, ижтимоий шериклик, жамоатчилик назорати каби тушунчалар ўзаро тенг манфаат асосига қурилгани аҳолининг давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамламоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳамда туман бўлинмаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида «Маҳалла куни» тадбирининг ташкил этилгани юқоридаги фикрнинг ёрқин далилидир.

Тадбир доирасида тумандаги Шукур Бурҳонов номидаги маҳаллада ҳокимлик мутасаддилари, туман ҳокимлиги тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорлари жам бўлишди.

Маҳаллаларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўзаро ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш, жамоат тартибини сақлашда фуқаролар йиғини таркибидаги турли комиссиялар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш ишлари таҳлил этилди. Гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, диний экстремизм билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ўзаро фикр алмашилди. Оилавий ажримларнинг сабаблари ва уни келтириб чиқарадиган омиллар ўрганилиб, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун зарур чора-тадбирлар белгиланди.

— «Маҳалла куни» тадбиримиз, биринчи галда, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришга қаратилган, — дейди Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Комил Чоршанбиев. — Бунда умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, узвийлиги ва изчиллиги тамойилларига риоя этиш, ёшларнинг таълим олиш жараёнига масъул шахсларнинг, айниқса, ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, ноқонуний миграциянинг олдини олиш, фуқаролар ўртасида ишсизликни бартараф этиш каби вазифалар кўзда тутилган. Профилактика инспекторлари масъулиятини кучайтириш ҳам ана шу вазифалар сирасидан.

Тадбир доирасида фуқаролар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишдаги самарали меҳнати учун тумандаги бир гуруҳ маҳалла фаоллари Тошкент шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Хусусан, «Шўртепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳиддин Турсунбоев, «Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари Давлат Содиқов, «Умид» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари Салим Тошбоев ҳамда «Аҳиллик» маҳалласи профилактика инспектори Дилшод Юсупов ана шундай эътирофга лойиқ кўрилди.

Умуман, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда, айниқса, соғлом авлодни камолга етказишда давлат ва жамоат ташкилотлари ижтимоий ҳамкорликда иш юритмоқда. Зеро, «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» ҳикмати ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда.



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

# Кўмак ишбилармонликка рағбат бермоқда

< [1]

— Ушбу Низомнинг мазмун-моҳиятини нафақат маҳалла фаоллари, шунинг баробарида, аҳолига ҳам етказяпмиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хўжаобод тумани бўлинмаси раиси вазифасини бажарувчи Бобуржон Аҳмедов. — Асосий ғоя шундан иборатки, моддий ёрдам одамларни боқимандаликка эмас, балки тадбиркорликка, ишбилармонликка рағбатлантириши керак. Буни эндиликда кўпчилик англаб улгурди.

Ордайлик Алишер Машрабовнинг хатти-ҳаракатида ҳам ана шу ҳолат зуҳурланганини сезиш қийин эмасди.

Яна Низомга қайтамиз. Унда оилаларни қўллаб-қувватлаш орқали аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш, фарзандларда жисмоний, ақлий, маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш назарда тутилган. Биргина Ордай қишлоғида 2 ёшгача бола парвариши билан машғул оилаларга жорий йилнинг июнь ойида 9 миллион, 14 ёшгача бола тарбиялаётган кам таъминланган оилаларга 4 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Бу кўрсаткични шу йилнинг январь ойига муқояса қилинса ортиқча фарқ сезилмайди. Ҳолбуки, ўтган вақт мобайнида аҳоли сони ортди. Чақалоқлар туғилди, моддий ёрдамга эҳтиёж эса бир хил даражада турибди.

— Бунинг боиси фуқароларнинг «Излаган имкон топар», деган мақолга амал қила бошлаганида, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмасига узоқ йиллар раҳбарлик қилган, ҳозирда эл-юртнинг корига яраб келаётган Каримжон Усмонов. — Хўжаободликлар мустақиллик бераётган имкониятдан фойдаланиб, тадбиркорликка кенг йўл очяптилар.

Бу гапда жон бор. Бугунги кунда туманда енгил саноат жадал ривожланяпти. Биргина «Янгичек» маҳалласида 60 нафардан зиёд фуқаро трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бир пайтлар фаолиятини оилавий тадбиркорликдан бошлаган Раҳимжон Раҳимов айни чоғда нафақат ўз қишлоғи, шунинг баробарида Ўзбекистоннинг энг чекка ҳудуди ҳисобланган Хонобод шаҳрида ҳам трикотаж фабрикаси қуриб, юзлаб одамларни ишли қилди. Унинг ҳамкасбларидан бири Улуғнор туманида худди шундай корхона очди. Ҳозир «Барчиной» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида 400 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Улардан 50 нафари коллежни бу йил тамомлаган ёшлардир.

Соғлом бола йилида туман маҳаллалари фуқароларига 7 минг бош парранда бепул тарқатилди. Шу пайтга қадар ижтимоий кўмак сўраб мурожаат қиладиганлар сони анча камайди. Мисол учун, Навоий номидаги маҳалладан Кўпайсин Матисаев, «Эгамбердиобод» маҳалласидан Матлубахон Ўринова, «Гарагури» маҳалласидан Ҳакимжон Қўчқоров оилалари паррандачиликни ва томорқа хўжалигини йўлга қўйиб моддий ёрдамдан воз кечдилар.

— Мамлакатимизда фаровон ҳаёт кечириш учун барча шарт-шароит муҳайё, — дейди Ордай қишлоғида истиқомат қилувчи соҳибкор Қўзибой Назаров. — Шукрки, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч. Иккинчидан, сиҳат-саломатлигимиз давлат ҳимоясида, қишлоқ врачлик пункти ҳовлимизга туташ. Демак, соғлом фикрли меҳнатсевар инсоннинг намунали ҳаёт кечириши учун кенг имкониятлар яратилган. Фақат боқимандаликка берилмай, бахт-саодатни меҳнатдан қидирмоқ керак. Икки гектар жойда гилос боғи ташкил қилдим. Мансуржон Акрамов эса тикувчилик цехи очиб, 15 та иш ўрни очди. Бу гапларни айтишимдан мақсад-муддао шуки, маҳалла бой бўлса, юрт ободонлашади, ҳаёт фаровонлашади.

Отахон ҳақ гапни айтди. Бу фикрнинг исботини биз Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги барча қишлоқ ва маҳаллалар қиёфасида, кўчаларда қад ростлаган шинам бинолар салобатида, йўлларнинг равонлиги-ю одамларнинг хуш кайфиятида кўрдик.

МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

# Шароит тўкис бўлса, ишда унум ортади

**Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани ҳокимлигида ўтказилган навбатдаги йиғилишда фуқаролар йиғинлари учун янги бинолар қуриш бўйича таклифлар ўртага ташланди. Негаки, айни пайтда тумандаги аксарият фуқаролар йиғинлари ижарада фаолият юритяпти.**

**Мухбиримиз.**

Яқингача «Ҳамза» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги 18-умумтаълим мактаби биносида жойлашган эди. Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида мазкур йиғин учун барча қулайликларга эга замонавий гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Фаолиятимиз намунали йўлга қўйилгани боис туман ҳокимлиги ташаббуси билан янги бинога кўчиб кирдик, — дейди йиғин раиси Холида Болтаева. — Энг улуғ, энг азиз байрамга муносиб туҳфа бўлган йиғин биноси компьютер жамланмалари, мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Қувонарлиси, гузарга ёндош савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тикувчилик цехи ҳам барпо этилмоқда. Ушбу объектлар ишга туширилиши билан 30 нафар йигит-қиз иш билан таъминланади.

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

# Урф-одат, тантаналар уйғун ва анъанавий

**Тошкент вилояти Қибрай тумани «Шарқ» маҳалласи — байналмилал маҳалла. Бу ерда ўзбеклар қатори туркман, тожик, татар, рус миллатига мансуб аҳоли бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ истиқомат қилмоқда. Улар орасида ўзаро қуда-андачилик, қариндошлик риштасини боғлаганлар ҳам кўп.**

**Мухбиримиз.**

— Бугунги кунда «Шарқ» маҳалласида яшаётган турли миллат вакилларининг ўзаро тотувлиги боис йиғин гузари маънавий-маърифий мулоқот масканига, ўзига хос дўстлик уйига айланган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, барча миллатлар ардоғидаги ижодкорлар билан учрашувлар, семинарлар ва конференциялар ўтказиб келинади.

— Маҳалла аҳил бўлса, фуқароларнинг турмушдан кўнгил тўлади, — дейди йиғин раиси Азамат Тожибоев. — Одамлар кундалик ҳаётида дуч келадиган қувончу ташвишларини маҳалла-кўй, қўни-қўшни билан баҳам кўради, муаммоларга биргаликда ечим топади. Миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбирлар ўтказиб келмоқдамиз. Хусусан, «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Ўзбекистон — бағрикенг диёр», «Ўзбекистон Конституцияси — буюк келажагимиз кафолати», «Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда» каби тадбирлар шулар жумласидан.

Шунингдек, маҳаллада яшаётган турли миллатларнинг байрамларини нишонлаш анъана тусини олган. Жумладан, рус, татар, туркман халқлари миллий байрамлари ҳамжиҳатликда ҳар йили тантана қилинади.

Маҳаллада амалга оширилаётган хайрли ишлар, ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, қут-барака замирида ҳам миллатлараро аҳиллик, ўзаро самимий ҳурмат ва меҳр мужассам. Масалан, маҳалла ҳудудидаги тез тиббий ёрдам биноси қурилиши, салкам бир километр масофадаги йўлнинг таъмирланиши ана шундай бирдамлик самарасидир.

— Бугун юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби маҳалламизда, ҳар бир фуқароларимиз қалбида байрам шукуҳи ҳукмрон, — дейди А.Тожибоев. — Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳудудимизда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида адабий-бадиий кечалар, давра суҳбатлари, турли маданий-маънавий тадбирлар ташкил этиляпти.

Осойишта юртда юксалиш бўлади, фаровон элдан хотиржамлик аримайди. Истиқлол шарофати билан саодатли, файзли кунларга мушарраф бўлмоқдамиз. «Шарқ» маҳалласи аҳли мисолида юртдошларимиз халқимиз табиатига хос меҳр-оқибат, аҳиллик, ўзаро тотувлик сингари фазилатларнинг жамиятимиздаги ўрни янада мустаҳкамланяпти. Зеро, бу анъаналарни ёш авлод онги ва қалбига сингдириш эртанги кунимиз янада чароғон бўлишининг, эзгу мақсадларимиз ижобатининг муҳим омилидир.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

# Саъй-ҳаракат сайловчи ишончини оқлашга қаратилган

**Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, аҳоли турмуш тарзини юксалтириш, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишда маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаоллик кўрсатишаётир. Негаки, депутат, аввало, ўзи сайланган ҳудуд вакили сифатида аҳолининг қонуний манфаатларини ҳимоялашга бевосита масъул ҳисобланади.**

**Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»**

— Зиммадаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда сайловчилар билан тез-тез учрашиб, уларнинг мурожаатларини ўрганишга эътибор қаратяпман, — дейди 60-Жумабозор сайлов округидан халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашига сайланган Ҳамро Раҳмонов. — Чунки депутат ҳузурига келган кишида, албатта, ўзини ўйлантираётган бирор-бир муаммо бўлади ва аксарият ҳолларда масъул ташкилотлар томонидан ушбу масалага бефарқ қаралгач, фуқаро сўнгги чора сифатида депутат қабулига ёзилади. Шу боис сайловчилар мурожаатларини депутатлик назоратига олиш, уларни қонуний ваколатларимиз доирасида ҳал этиш бизнинг бурчимиздир.

Бу хусусда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида: «Тегишли халқ депутатлари Кенгашининг депутати ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан алоқа боғлаб туради, тегишли халқ депутатлари Кенгашида уларнинг манфаатларини ифода этади. Депутат ўзига сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўради, фуқароларни қабул қилади», дея белгилаб қўйилган.

Чунончи, депутат билан учрашувлардан бирида аҳоли ҳудудда транспорт қатнови яхши эмаслиги ноқулайлик туғдираётгани, айниқса, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари




бу борада кўпроқ қийналишаётгани хусусида мурожаат қилишди. Мазкур муаммони ўрганган депутат масалани халқ депутатлари вилоят Кенгаши муҳокамасига киритди.

Жумабозор қишлоқ фуқаролар йиғини ва Олот тумани марказига янги транспорт қатнови йўлга қўйилгач, маҳаллий Кенгаш қарори билан коллеж ўқувчиларига қўшимча имтиёз бериш мақсадида йигит-қизларнинг транспорт қатнови бепул этиб белгиланди.

Жумабозор қишлоқ фуқаролар йиғини туманнинг чекка ҳудудида жойлашгани боис, ичимлик суви таъминоти ҳам муаммо ҳисобланарди. Бундан икки йил аввал депутат бу масалани ҳам Кенгаш муҳокамасига олиб чиққан ва Кенгаш қарори билан вилоят ичмлик сув таъминоти дастурига киритилди. Яқинда мазкур дастур асосида туман «Сувоқова» ишлаб чиқариш корхонаси томонидан инвестиция маблағлари ҳисобига ҳудудга 2,5 километр ичимлик сув қувури тортилди.

Муаммоларни ўрганиш ҳамда улар ечимига яқиндан кўмаклашиш мақсадида ҳар ойнинг 15- ва 30-санасида фуқаролар йиғини биносида қабул кунлари жорий этилган бўлиб, биргина жорий йилнинг ўтган даврида 90 та мурожаат қабул қилинди. Мазкур мурожаатларнинг аксарияти депутатлик назорати орқали ҳал этилган бўлса, учта масала вилоят Кенгаши сессиясига олиб чиқилди.

— Ҳамро Раҳмонов сайланган округ ҳудуди бешта қишлоқ, ўн иккита маҳалла фуқаролар йиғинини бирлаштириб, қирқ беш минг нафарга яқин аҳолини қамраб олган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Бахтиёр Воҳидов. — Аммо қамров қанчалик кенг бўлмасин, депутат ҳар бир сайловчи билан учрашиб, муаммоларини тинглаш ва ҳал этишга вақт топади. Дарвоқе, депутат вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси ҳамда иқтисодчи олим сифатида ҳам ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркорларга бизнес режа тайёрлаш ҳамда кредитлар ажратиш ишларига кўмак бериб келмоқда. Чунончи, бевосита депутат назорати орқали ҳудудда 12 нафар ёш тадбиркор банк кредитлари ҳисобидан бизнесини йўлга қўйди, томорқалардан оқилона фойдаланиш мақсадида Баёт канали ҳашар йўли билан тозаланди.

Ҳа, ана шундай ташаббус туфайли маҳаллалар аҳли ўз сайлаган депутатларидан миннатдор.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Ташаббус ҳамжиҳатликка чорлайди



< [1]

— Туманимиздаги барча фуқаролар йиғинларида тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялар иши тизимли йўлга қўйилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навбаҳор тумани бўлинмаси раиси Малик Мамиқов. — Комиссия аъзолари жойларда тадбиркорлик субъектлари, янги иш ўринлари яратилишига ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Айни пайтда маҳаллалар кесимида 400 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари, чорвачилик, асаларичилик ва паррандачилик билан шуғулланувчи хўжаликлар, сервис хизмати шохобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Янгиқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳунарманду тадбиркорлар маскани сифатида ном қозонган. Қишлоқ аҳли, айниқса, асаларичилик билан танилган. Қолаверса, паррандачилик ва иссиқхоначиликда ҳам юқори натижаларга эришяпти. Мазкур қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Сарбозор» маҳалласидан тадбиркор Ғофур Жумаевнинг йиғин фаоллари кўмагида мўйинали бош кийимлар тикиш цехини ишга туширгани ҳам ўзига хос янгилик бўлди.

— Ота-боболарим телпакдўз бўлишган, — дейди ишбилармон. — Истиқлол шарофати билан тадбиркорликка кенг йўл очилгани уларнинг касб-корини давом эттиришимга туртки бўлди. Оилам билан маслаҳатлашиб, иш бошладик. Мана, қарийб йигирма йилдан буён тикаётган мўйинали телпакларимиз харидорларга манзур.

Ғофур Жумаевни ҳунари орқали вилоятда яхши танишади. Унинг цехида тайёрланган сифатли, арзон ҳамда бежирим бош кийимлар ҳамиша харидоргир. Маҳсулотлар нафақат қишли-қировли кунларда, балки йилнинг тўрт фаслида ҳам тайёрланаверади. Чунки буюртмачи мижозлар мавсумни кутмай ҳунармандни излаб келишади. Бундан ташқари, тадбиркор банкдан 23 миллион сўм кредит олиб, асаларичилик хўжалигини ҳам ташкил этди. Айни пайтда хўжаликда 170 қути асалари парвариш қилиняпти. Ўғли Санжар ҳам банкнинг 24 миллион сўм кредити маблағи эвазига хўжаликни кенгайтирди. Йиғин фаоллари тавсияномасига кўра туман ҳокимлиги томонидан ёш тадбиркорга 1 гектар ер майдони ажратиб берилди. Ҳозирда у 180 қути асалари парваришлашдан кутилган даромадни олмоқда.

— Бугунги кунда ҳудудимизда 11 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритяпти, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б.Фармонов. — Комил Омонов савдо маркази ва нон цехини ишга тушириб, 4 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаган бўлса, Жамшид Ҳамроев савдо дўкони, дорихона ҳамда автомобилларни ювиш ва таъмирлаш шохобчасини очди. Акбар Ҳамроевнинг темирчилик цехида эса дарвоза ва панжаралар ясалмоқда.

Ташаббуснинг қаноти бор, дейишади. «Сарбозор» маҳалласида тадбиркорликнинг тобора ривожланаётгани туфайли одамлар ҳаёти яхшиланиб, турмуши фаровонлашаётгани қўшни маҳаллалар аҳлини ҳам ғайрат кўрсатишга ундаётир. Хусусан, «Янгийўл» маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорлик субъектларининг сафи кенгайиб бораётгани буни тасдиқлайди. Йиғиннинг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси раиси Гулшан Олтинова тадбиркор сифатида тикувчилик корхонаси очиб, ёшларни ишга жойлаштириш, уларга ҳунар ўргатиш баробарида ўз бизнесини бошлаш ниятидаги хотин-қизларга ҳамкор-елкадош. Унинг амалий ёрдами билан жорий йилда касб-ҳунар коллежини тугатган 7 нафар битирувчи бизнес лойиҳасини амалга ошириш учун банк кредитини олишга эришди. Натижада Сабина Турсунова гўзаллик салони, Абдулла Лутфуллаев паррандачилик хўжалигини ташкил қилди. Шунингдек, Мафтуна Жаҳонгирова, Хумора Муҳаммадқулова, Малика Элмуродова сингари қизлар уйларида иссиқхона барпо этишган бўлса, Мафтуна Бобоқулова якка тартибда тикувчилик билан шуғулланиб, оиласи бюджетига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

# Маҳаллалар янада обод ва фаровон бўлади

< [1]

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда туман бўлинмамиз билан биргаликда маҳаллалар кесимида дастур доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ҳудудларни ободонлаштириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилалар даромадини ошириш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш сингари вазифаларни бажаришда фуқаролар йиғинларининг етарли шарт-шароит ҳамда моддий-техник базага эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Дастурда ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 6 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси, 23 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинига мебель жиҳозлари олиб бериш кўзда тутилган.

Жорий йилда «Обод юрт», Оқжангал» маҳалла ва Қорақўнғирот қишлоқ фуқаролар йиғинлари мебель жиҳозлари билан таъминланди. Бир вақтлар ҳашар йўли билан қурилган Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғини биноси капитал таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун Фонд ҳисобидан 5 миллион 100 минг сўм сарфланди. 2014 йил давомида Ғалаба, Қорақўнғирот, Денов, Қамаши қишлоқ фуқаролар йиғинлари биноларини ҳам капитал таъмирлаш кўзда тутилган. Айни кунларда мазкур фуқаролар йиғинларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. 2016 йилга қадар жами 16 та фуқаролар йиғини биноси янги қиёфа касб этди.

Туманимизда 7 та фуқаролар йиғини ўз биносига эга бўлмагани боис ижарада фаолият юритарди. Мазкур фуқаролар йиғинларини бино билан таъминлаш масаласи ҳам чора-тадбирлар режасига киритилган.

Бундан ташқари, қишлоқ кўчаларини асфальтлаш, янги йўллар барпо этиш, ичимлик суви, табиий газ таъминоти бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, Жизза қишлоғидаги 2 км.лик ичимлик суви тармоғи қайта қурилади. Туман марказидаги «Тинчлик» маҳалласи аҳолисининг ичимлик сувига эҳтиёжини қондириш мақсадида 3 км.лик янги сув қувури тортилади. Қодиробод, Комилон, Месит, Майманоқ, Оқжангал ва Қатағон қишлоқларини ичимлик суви билан таъминлаш учун марказий қувурнинг 5,1 км.ини тўлиқ алмаштириш кўзда тутилган. Қишлоқ йўлларининг талабга жавоб бермаслиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Энди бу муаммолар ҳам ўз ечимини топадиган бўлди. Оққамиш, Жизза, Оқжангал, Эски Касби, Дўрмон, Месит, Фазли, Хўжаҳайрон, Қорақўнғирот қишлоқларидаги 1-1,5 км.лик йўлларни таъмирлаш режалаштирилган. Айни пайтда бу ишлар бошлаб юборилган.

Дастурда ва ундан келиб чиқиб белгиланган чора-тадбирлар режасида қишлоқ ва маҳаллаларни янада ободонлаштиришга, хизмат кўрсатиш субъектлари қурилишига алоҳида эътибор қаратилган. Шу йиллар мобайнида жами 2016 та хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилади. Натижада 182 та янги иш ўрни



яратилади. Биргина «Хўжакасби» маҳалла фуқаролар йиғинида 6 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фойдаланишга топширилади. Муғлон қишлоқ фуқаролар йиғинида эса интернет хизмати, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, гўзаллик салони, тикувчилик цехи, сартарошхона қурилиши режалаштирилган. «Оққамиш» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида компьютерларни таъмирлаш, интернет хизмати, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, тикув цехи, сартарошхона, пайнет хизматлари йўлга қўйилади. Яна 4 та фуқаролар йиғинида аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга тушади. Бунга тадбиркорлар ва ҳомийлар жалб этилган. Уларга имтиёзли банк кредитлари ажратиш белгиланган.

Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғинида лойиҳа қиймати 150 миллион сўмлик замонавий маҳалла гузарининг қурилиши аҳолимиз учун катта янгилик бўлди. Ушбу маблағнинг 50 миллион сўми бўлинмамиз ҳисобидан ажратилса, 100 миллион сўми банк кредити эвазига амалга оширилади.

Дастурда томорқалардан унумли фойдаланиш бўйича ҳам чора-тадбирлар белгиланган. Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда хонадонлар кесимида экин экиладиган жами ер майдонларини ўрганиб чиқдик. Шу асосда эртапишар сабзавот кўчатларини тайёрлаш, аҳоли томорқаларида агротехник тадбирларни ташкил этиш бўйича гуруҳлар тузилди. Аҳоли томорқаси ва хонадонларда қишлоқ хўжалиги экинлари экиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича мониторингни йўлга қўйиш мақсадида фуқаролар йиғинлари томонидан ҳисоб-китоб дафтарлари тутилди.

Шу ўринда туманимизда ўзига хос деҳқончилик маданияти шаклланганини алоҳида таъкидлашни истардим. Катта тажрибага эга аҳолимиз томорқадан унумли фойдаланишга, ҳар қарич ердан даромад олишга интилади.

Қишлоқ ва маҳаллаларнинг шарт-шароити ҳисобга олиниб, экин турлари етиштириш бўйича ихтисослашув йўлга қўйилган. Масалан, «Месит» маҳалласи сабзи етиштириш билан шуғулланса, Ғалаба қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси картошка, пиёз, Хўжаҳайрон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли қишлоқ ва маҳаллалар аҳолиси шолғом экади, Оққамиш қишлоғида помидор, бодринг етиштирилади. Фазли қишлоғи аҳолиси асаларичиликнинг ҳадисини олган.

Туманимизда шу вақтга қадар фақат ишлаб чиқариш соҳаси бугунги кун талабларига жавоб бермаётган эди. Дастур доирасида бу борада қатор ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехлар, бетон-блок, бетон-плита, акфа эшик-ромлари, ғишт ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилади. Натижада 400 та янги иш ўрни яратилади.

Дастурга кўра, туманда қорамолчиликни, паррандачиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилади. Уларнинг асосий қисми маҳаллаларда истиқомат қиладиган тадбиркорлар томонидан амалиётга жорий этилади. Оилавий бизнесни йўлга қўйиш мақсадида паррандачилик ва асаларичилик билан шуғулланувчи хонадонлар рўйхатга олинди. Уларга банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш белгиланди. Айни пайтгача 10 та оилага асаларичиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди.

Хуллас, мақсадларимиз эзгу. Кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик туфайли туманимизга янгича ҳаёт нафаси кириб келмоқда. Саноат корхоналари қурилиши, хизмат кўрсатиш объектларининг ишга туширилиши, йўллар, кўприкларнинг барпо қилиниши аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

ҚУЛАЙЛИК

# Фарғонага борар йўллар яқин ва ойдин

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида Фарғона водийси шаҳарлари билан пойтахтимизни боғловчи янги такси йўналишларининг очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

**Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»**

Тадбирда Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси вакиллари, Агентликнинг турли йўналишлар бўйича мутасаддилари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Фарғона водийсидан Тошкент шаҳрига ва аксинча қатновчи йўловчи ташиш транспортини тартибга солиш юзасидан тасдиқланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида «Фарғона — Тошкент», «Тошкент — Фарғона», «Андижон — Тошкент», «Тошкент — Андижон», «Қўқон — Тошкент», «Тошкент — Қўқон», «Наманган — Тошкент», «Тошкент — Наманган» йўналишлари бўйича такси йўналиши ўз фаолиятини бошлади. Янги йўналишларда йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борада барча шарт-шароит яратилган.

— Охирги бекат сифатида Тошкент шаҳрида Бектемир тумани Олтин топган кўчасидаги «Водий» автостанцияси, Фарғона шаҳрида «6-сой бўйи» маҳалла фуқаролар йиғини Ёрмазор кўчасидаги «Фарғона» автовокзали, Андижон шаҳри Комил Яшин кўчасидаги «Узумзор», Наманган шаҳри Ғирвонсой кўчасидаги «Наманган», Қўқон шаҳри Тошкент кўчасидаги «Данғара» автостанциялари белгилаб олинди, — дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг автотранспорт хафвсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи Тоҳир Жамолхўжаев. — Уларда автомобиллар тўхтаб туриши ва йўловчиларни олиш, тушириш учун махсус жойлар, рейс олдидан ҳайдовчиларни тиббий ва автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш хоналари, йўловчи ва ҳайдовчилар учун қулайликлар, хусусан, маълумот бериш, овқатланиш ва дам олиш жойи, меҳмонхона, чиптахона ишлаб турибди.

Енгил автотранспорт воситаларидан тижорат асосида фойдаланиш учун тегишли рухсатнома (лицензия) бўлиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, автотранспорт ҳайдовчиларига иш ҳақи тўланиб, меҳнат дафтарчаси юритилади.

Анжуманда мазкур йўналишларда йўловчи ташийдиган енгил автомобиллар учун махсус белгилар, умумий техника талаблари ҳақида маълумотлар берилди.

Яратилган бундай қулайлик мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёналари олдидан муносиб байрам туҳфаси бўлди.

Матбуот анжумани сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.




АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ДАВР

# Баракали хирмон вақтида ўтказилган тадбирга боғлиқ

< [1]



Деҳқончиликда «ғўза кун санайди», деган ибора бор. Бу кўпроқ ёзнинг учинчи ойига тўғри келади. Чунки саратонда қуёш тафтига тўйиниб, тунда чанқоғини босган ниҳол кунда бир яшнайди. Кечқурунги шона тонгда келиб қарасангиз, кўсакка айланиб улгурган бўлади. Ҳозир деҳқон учун долзарб палла бошланди. Деярли ҳар куни қатор орасига одам кириши керак. Бу билан эгат ичида ҳаво айланиб, бегона ўтлар тозаланади. Культиватор ҳам бир зум тўхтамаслиги талаб этилади. Бунда ҳосил нишоналарини эҳтиётлаб, очарларга муҳофаза қопини яхшилаб ўраш даркор.

Ушбу даврда амалга ошириладиган муҳим ишлардан яна бири чеканка, яъни ғўзанинг ўсув нуқтасини чилпишдир. Бу ишни вақтида ва сифатли бажариш ҳосил салмоғини кўпайтиришга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, агротехник тадбирларни кун сайин кучайтиряпмиз.

«Олтин замин ифтихори» — уруғчиликка ихтисослашган хўжаликлардан. Бу эса фермердан жиддий масъулият талаб этади. Жорий йилда 40,6 гектар ерга «Порлоқ» навли чигит қадаган хўжалик аъзолари 182 тоннадан зиёд ялпи хирмон уюшни мақсад қилишган. Шунда ҳар гектар майдон ҳосилдорлиги ўртача 45 центнердан тўғри келади. Туманда бу каби юқори самарага эришаётган фермерлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Улардан бири «Обод диёр сари» фермер хўжалиги раҳбари Раҳматулла Нурматовдир.

— Умумий ер майдонимиз 87 гектар бўлиб, шунинг 50 гектарида пахта етиштиряпмиз, — дейди у. — Ғўза парваришида зарбдор ҳисобланган август ойининг ҳар бир куни ғаниматлиги учун ишлов беришни бир зум тўхтатганимиз йўқ. Бу йил ғалладан баракали хирмон кўтардик. Энди навбат пахтага. Шу кунларда деҳқондан меҳр олган ниҳол кузда уни сийлайди. Шу боис хўжалигимиз аъзолари астойдил меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, Ҳошимбой Валиев сингари тажрибали ишчилар бошқаларга ибрат кўрсатмоқда.

«Асад — экинингни ясат» дейди ҳаётий тажрибага эга заршунослар. Азалдан донгдор пахтакорлари билан машҳур Наманган туманида бу ибора айни кунларда шиорга айланган, десак муболаға эмас. Демак, кузда кўтариладжак хирмон юксак бўлиши аниқ.



МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# Харидоргир маҳсулот

**Хонқа туманидаги «Хонқа чевар» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатлилиги билан ном қозонган.**

**Мухбиримиз.**

Қирқ нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада ип-калавадан трикотаж мато тўқилиб, ўндан зиёд турдаги кийим-кечак тайёрланмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш мақсадида банкдан олинган 80 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига корхонага замонавий дастгоҳлар ўрнатилди.

Қувонарлиси, корхона ишчи-хизматчиларининг аксарияти коллеж битирувчиларидир. Турли бичим ва кўринишдаги трикотаж маҳсулотлари харидорлар буюртмаси асосида тайёрланмоқда.

БАНДЛИК

# Ёшлар бизнес ғояси банклар эътиборида

< [1]

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда фаолият юритаётган тижорат банклари ёшларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришида уларнинг бизнес ғояларини кредитлаш орқали кўмак бериб келишмоқда. Юртбошимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада дастуриламал бўлаётир.

Макур фармонда белгиланган вазифалар доирасида Марказий банк Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ ҳамда маҳаллий ҳокимиклар билан биргаликда янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича аниқ манзилли дастурлар ишлаб чиқиб, тижорат банклари томонидан кўзда тутилган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банклардан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 76,8 млрд. сўм кредит ажратилди. Натижада 8,5 минг нафарга яқин битирувчининг бандлиги таъминланди.

— Ёшларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда ушбу кредитларни қонуний кафолатлаш масаласи йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда, — дейди Марказий банкнинг Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директор ўринбосари Азамат Қосимов. — Хусусан, тижорат банкларида коллеж битирувчисининг микрокредит олиши учун таъминоти етарли бўлмаган тақдирда, яқин қариндошларининг (ота-она, ака-ука, опа-сингил) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш орқали кафиллик бериш амалиёти жорий этилган. Бу ёш тадбиркорларнинг эркин фаолият бошлаши ҳамда молия муассасасининг ишончли мижозига айланишида муҳим омил бўляпти.

Қолаверса, банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 7,5 трлн. сўм миқдорида, иқтисодиёт реал сектори корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун 8 трлн. сўмдан ортиқ инвестицион кредит йўналтирилиши белгиланган. Бу эса қўшимча иш ўринлари ташкил этишга имконият яратади.

Бундан ташқари, тижорат банклари «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш» лойиҳасида ҳам фаол иштирок этмоқда. Унга кўра, ёшлар, шу жумладан, ёш оила аъзоларини кичик бизнесга жалб этиш мақсадида бизнес юритиш, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича семинар ва тренинглар ташкил этиляпти. Республикамиздаги ҳар бир коллежга бириктирилган банк ходимлари томонидан минглаб оилаларга кредит ва грантлар олиш бўйича зарур маслаҳатлар берилмоқда. Касб-ҳунар коллежларида тадбиркорлик бурчаклари ташкил этилиб, битирувчилар билан иқтисодий мавзуларда мунтазам суҳбатлар ўтказиляпти.

Мазкур тадбирлар доирасида жорий йилда банклар томонидан кичик бизнес субъектларига тақдим этилган 500 дан зиёд имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат бўйича жами 26,6 млрд. сўм кредит ажратилган бўлса, шундан 400 нафари айнан ёш тадбиркор ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари. Уларнинг 4,3 млрд. сўмлик лойиҳалари имтиёзли шартларда молиялаштирилди. Жумладан, Самарқанд вилояти Оқдарё агроиқтисодиёт коллежи битирувчиси Дилафрўз Аҳмаджонова «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг туман филиалидан 2 млн. 800 минг сўм кредит олиб, якка тартибдаги тадбиркор сифатида тикувчилик фаолиятини бошлади.

Анжуманда, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг мамлакатимиз равнақи йўлидаги изланишларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини ошириш, ёшлар томонидан яратилаётган инновацион лойиҳаларни хусусий сектор фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида банклар жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтираётганига батафсил тўхталиб ўтилди. Ҳамкорлик натижаларига кўра, минг нафардан зиёд таълим муассасалари битирувчиларига банклардан ўтган йиллари 4,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилгани, шунингдек, 4,5 минг нафарга яқин касб-ҳунар коллежи ҳамда олий ўқув юртлари битирувчиларининг тадбиркорлик ва ишбилармонликка оид билимлари оширилгани қайд этилди.

Тадбир ниҳоясида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.